

Улуғларнинг илм йўлидаги машаққатларидан лавҳалар



11:00 / 05.09.2021 2657

Имом Ибн Жавзий ўзининг «Сойдул хотир» китобида талабалик даврининг аввалида чеккан машаққатлари ва ўша қийинчиликларга қилган гўзал сабри ҳақида шундай сўзлайди: «Дарҳақиқат, толиби илмлик лаззати ичида юрганимда қаттиқ қийинчиликларга дуч келганман. Аммо мен ўрганишни истаган нарсалар бу мушкулотлар олдида асалдан ҳам тотли эди.

Ҳар кимда бор эрса олий бир истак,

Дуч келганин бари тотлидир, демак.

Ёшлигимда ўзим билан бирга қотган нон олиб, ҳадис ўрганиш учун йўлга чиқардим, сўнг Бағдоддаги Исо дарёсининг олдида бориб ўтирдим. Чунки бу қаттиқ нонни фақат сув билангина ейиш мумкин эди. Ҳар бир луқмани оғзимга солгач, орқасидан сув ичардим. У пайтда ҳимматим шу қадар эканки, кўзимга илм олиш лаззатидан бошқа нарса кўринмас эди. Бунинг самараси ўлароқ, мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадислари, ҳоллари ва одоблари, саҳоба ва тобеинларнинг аҳволи ҳақида энг кўп эшитган одам бўлиб танилдим».

Яна сўзларида давом этиб шундай дейдилар:

«Мен бир фан билан кифояланиб қолмай, фикҳ, ҳадис ҳам эшитар, зоҳидларга эргашардим. Кейин луғат илмини ҳам ўргандим. Ривоят ва

мавъиза қилган ҳеч бир кишини тарк қилмадим. Узоқ юртдан бирор киши келса, ёнида ҳозир бўлар ва ундан илму фазилат ўрганар эдим.

Ҳадис эшитиш мақсадида устозларнинг ёнига борардим. Дарсга кеч қолмай деб югурганимдан нафасим бўғзимга тиқилиб қоларди. На тонгда, на кеч кирганда ёйишга бирон нарсам бўлмасди. Лекин Аллоҳ таоло ҳеч қачон мени бирон кишига зор қилиб қўймади. Бу ҳақда сўзлайверсам гап узайиб кетади».

***Шайх Абдулфаттоҳ Абу Ғудда раҳматуллоҳи алайҳнинг
«Саҳифалар» китобидан.***